

УДК 619:616.993192.1.636./.28

О.У. Қўлдошев, в.ф.н., катта илмий ходим,
Ветеринария илмий-тадқиқот институтиСИГИРЛАРНИНГ ҚИСИР ҚОЛИШИНИ ДАВОЛАШ ВА ОЛДИНИ
ОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Аннотация

Акушерско-гинекологические заболевания коров, остаются одной из главных проблем молочного и мясного скотоводства, постоянно и повсеместно являются объектом пристального внимания специалистов и практических работников.

Причины бесплодия коров и телок, аборт, задержание последа, острые и хронические эндометриты, наличие большого количества бесплодных коров и телок на фоне слабой эффективности или бесполезности многих общепринятых средств и методов лечения, а также заболевание и гибель нарождающегося молодняка обуславливают исследования на изыскание наиболее эффективных средств и методов их лечения и профилактики.

Ключевые слова: задержание последа, острые и хронические эндометриты, акушерство, гинекология, корова, телок, аборт, зооветеринария.

Ветеринария фани ва илгор чорвадорлар тажрибалари шуни кўрсатадики, моллар парваришида зооветеринария қондаларига тўла риоя қилинса, юз бош сигирдан юз бош бузоқ олиш натижасида маҳсулдорлиқни ошириш мумкин. Сигирларнинг қисир қолишига сабабчи бўладиган омилларнинг олдини олиш учун эса қуйидаги ташкилий ва зооветеринария тадбирлари комплексини ўз вақтида сифатли бажариш талаб этилади:

а) алиментар сабаблар: у озука рациониди моллар организми учун зарур бўлган моддаларнинг ҳаддан ташқари кўп ёки аксинча етишмаслигидан келиб чиқади. Сигир тукқандан кейин 60 кун давомида яна қочини – уруғланиши учун унга 80-120 грамм протеин, 7-8 грамм канд, 5-6 грамм кальций, фосфор ва 35-40 миллиграмм каротин моддалари бериш керак. Бир килограмм сут етиштириш учун 250-300 грамм концентрат сарфланади. Ана шу моддалар камайса, сигирнинг уруғланишига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Қисир қолишнинг олдини олиш учун сигирларнинг туғишига икки ой қолганда уларни сутдан чиқариб, етарли миқдорда тўйимли озуқалар билан боқиб жуда муҳим. Чунки, бўғозликнинг кейинги икки ойида ҳомила интенсив ривожланиши туфайли кўп озука талаб қилади. Бу даврда сигирлар организмда оксил, канд, кальций, минерал тузлар алмашиниши ўзгаради. Сигирлар тукқан дастлабки кунларда организмда умий оксил, кальций, неорганик фосфор, қонда эса канд миқдори камайди.

Рационнинг тўйимли бўлиши учун уни тузишда моллар организми ва озуқаларнинг кимёвий таркибини ҳисобга олиш керак. Айниқса, киш ва эрта баҳор рационни молнинг организми учун зарур бўлган витаминларга, макро-микрорезиментларга бой бўлмоғи лозим. Чунки у жинсий аъзолар фаолиятини нормаллаштиришга хизмат қилади.

Жинсий аъзоларнинг функционал етишмаслиги туфайли қисир қолаётган сигирлар эстрофан, энзопрост, ББҚЗ (СЖК), гонадатропин сингари дори-дармонлар билан даволанганда қутилган натижалари беради;

б) сунъий сабаблар: ҳар бир фермада ветеринария-санитария талаблари асосида қурилган сунъий қочирини пункти ва унда манеж, лаборатория ва асбоб-ускуналарни ювиб тозалайдиган хоналар бўлишини таъминлаш

Summary

Activities for treatment and prevention of cows barrenness. Obstetric-gynecologic diseases of cows being one of the main problem for meat and milk cattle-breeding constantly and everywhere undiverted for specialists and practical workers.

The reasons of cows and heifers barrenness are abortions, remaining placenta, acute and chronic endometritis, large amount of barrenness cows and heifers on the background of weak effectiveness or useless of many general means and methods of treatment as well as diseased and died offspring. All these are demanding researches for most effective means and methods for treatment and prophylactic.

зарур. Сунъий қочирини пунктида малакали, гайратли, касбига иҳлоси баланд мутахассис бўлса, пункт ва ферма ходимларининг меҳнати ўз вақтида моддий-маънавий рағбатлантириб борилса, ҳеч шубҳасиз, бузоқ олишда кўзланган мақсадга эришилади;

в) иқлим шароити сабаблари: микроклим мўътадил бўлмаса, бинода ёруғлик, ҳарорат, намлик етарли бўлмасдан, аммиак, сероводород сингари зарарли газлар нормадан ортиқ бўлса, ҳаво тезлиги ошса ва бошқа сабаблар туфайли сигирларнинг уруғланиши 20 фоизга камайди. Микроклим шароитининг ноқулайлиги моллар яхши озиклантирилганда ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Бундай пайтда ва умуман сигирларни яйратиш (мацион бериш) қатта аҳамият касб этиб, ҳеч қандай дори-дармон сигирлар организми учун уни яйратгандагидек натижа бერмайди. Шунинг учун ҳар бир сут-товар фермасида сигирларнинг қунига 4-5 километр мацион олиши учун йўлак (трасса) барпо этиш энг муҳим тадбирлардандир;

г) симптоматик сабаблар: бу жинсий аъзонинг юқумсиз ва юқумли касалликлари туфайли содир бўлади. Юқумсиз касалликларга қалинган молларнинг 15-20 % физи жинсий аъзоларнинг яллиғланишдан келиб чиқса, 50-60 % озиклантириш миқдори ва сифатининг пастлиги, иқлим шароити, эксплуатацион технология шароитларининг бузилиши ва бошқалар сабаб бўлади.

Бруцеллез, трихомоноз, вибриоз, листериоз ва бошқа юқумли касалликлар туфайли бачадон яллиғланиши мумкин. Касалликни даволашда организмнинг унга қаршилиқ кўрсатиш қобилиятини, бачадоннинг кенгайиш-қисқариш хусусиятини ошириш, касаллик асоратини тозалаш учун нейрогормонал (прозерин, синестрол, гонадотропин, СЖК), простогландинлар (эстрофан, энзопрост), антибиотиклар (ПроПенСтреп-400, тетрациклин), соғлом сигирдан соғиб олинган биринчи увуз сuti ва бошқалардан фойдаланиш тавсия этилади.

Чорвачилиқни ҳозирги замон фан-техникаси ютуқлари асосида интенсив ривожлантириш сигир ва гунажинлардан йилига биттадан соғлом бузоқ олишни, подалар зотини ҳамда бўрдоқчилик сифатини яхшилаш имконини беради. Ҳар бир сигирдан биттадан бузоқ олишга эришиш учун фермада ветеринария хизматини кўрсатиш талаблар даражасида йўлга қўйилган

бўлиши лозим. Бунда, айниқса сигирларнинг гинекологик касалликларга чалинишининг олдини олиш, даволаш ишларига алоҳида эътибор бериш талаб қилинади. Чунки бу тадбирлар, биринчидан, сигирларнинг ҳаёти ва махсуддорлигини сақласа, иккинчидан, улардан бузоқ олиш қобилиятини барқарор асрашга хизмат қилади.

Агар ҳар бир сигирдан йилга биттадан бузоқ олиниб, лактация даврида, яъни 300 кун давомида уч минг килограмм сут соғиб олинмаслиги бир қанча муаммолар борлигини кўрсатади. Биринчидан, озиклангиришдаги нуқсонлар туфайли 45-50 фоиз, иккинчидан, сигирларни сақлаш шароитидаги нуқсонлар ва улардан фойдаланиш технологиясининг бузилиши (16-20 фоиз), учинчидан, қочирish технологиясидаги нуқсонлар (18-20 фоиз), тўртинчидан, яроксия ҳолга келган сигирларни ҳисобдан чиқармаслик (10 фоиз), бешинчидан, сигирларнинг гинекологик касалликларга чалинганлиги (17 фоиз) шулар жумласидандир.

Гинекологик сабабларнинг пайдо бўлишига рацондаги озукалар миқдори ва сифатининг пастлиги, молларни асраш, улардан фойдаланиш технологияси қондаларининг бузилиши, жумладан, сунъий қочирish пункти, туғруқхона ва умуман молхоналар санитария ҳолатининг талаб даражасида эмаслиги, мационнинг (молларни яйратиш) кам ёки йўқлиги, сигирни ўз вақтида сутдан чиқармаслик ҳамда молга акушерлик ёрдами кўрсатиш ва сунъий қочирishда унинг организмга турли хил микроорганизмларнинг кириб қолиши, туғишдан сўнг йўлдошнинг тезда тушмай туриши каби кўпгина омиллар сабаб бўлади.

Сигирлар қисир қолишининг олдини олиш тадбирлари комплексига гинекологик касалликларни даволаш ва жинсий аъзолар фаолиятини рағбатлантириш кирди. Таъкидлаш керакки, даставвал касалликни келтириб чиқарадиган сабабларни бартараф этиш жуда муҳим. Унутмаслик лозимки, жинсий аъзолар касаллигини даволашда қўлланиладиган дориворлардан кўра, сигирга очик ҳавода бериладиган фаол мацион, етарли миқдордаги юқори сифатли озуқа, махсус тайёрланган буқаларнинг подада бўлиши, сигирлардан нормал фойдаланиш каби табиий омиллардан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Қуйида Ўзбекистон шароитида яхши самара берадиган даволаш усуллари тавсия қилинади:

1. Агар сигир туққандан сўнг унинг йўлдоши 6 соат ичида тушмаса, унга ветеринар ёрдами кўрсатилиши зарур. Бунда 0,5 % ли прозериндан 2-3 мл укол қилинади. Бу тадбир фойда бермаса, 8-10 соат вақт ўтгач, яна прозерин ва 3-4 мл синестрол укол қилиниши керак. 400-500 грамм қанд ярим челақ илик сувда эритилиб, уни бир кунда икки марта ичириш ҳам юқори натижа беради.

2. Туққан сигир бачадони 20-25 кун давомида нормал физиологик ҳолатига қайтмаса, унга кунига 4-5 соат мацион берилди, бир сутка давомида синестролнинг бир процентли эритмасидан 4-5 мл, сўнг 4-5 кун давомида эса 30-40 бирликдаги окситоцин препаратини мушагига юбориб туриш керак.

3. Бачадоннинг ички қатлами ялиғланган (эндометрит) да бачадон ювилди, сигирнинг ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобита бир суткада бир фоизли синестрол эритмасидан 3 мл дан, шунингдек, 4-5 сутка давомида 30-40 бирликдаги окситоцин укол қилинади. Микроорганизмларга қарши тетрациклиннинг сувдаги эритмасидан икки грамм мушагига юбориш кифоя. Касаллик

сурункали бўлган ҳолларда эса эндометритга қарши бир марта эстрофан соғайганига қадар 3 кунда бир марта тетрациклин уколи қилиб турилади. Ундан ташқари бачадон ялиғланганда қуйидаги суспензияларни қўллаш яхши самара беради:

– окситетрациклин 1гр, хлорамфеникол 1 гр ва эритилган стрептоцид-1г;

– фурацилин 0,2 гр, этоний 0,2 гр ва синтомицин ли- ниминти 2 гр.

4. Туҳумдон фаолияти сусайганда, сигирни ҳар кун 4-5 километр масофага сайр қилдириш, ҳар 2-3 кунда бачадонни 3 дақиқа массаж қилиш керак. Сигир уругланиши истамаса, уни 2,5-3 минг бирликдаги СЖК (Бўғоз бия қон зардоби – ББҚЗ) билан укол қилиш лозим. Эстрофан билан даволангандан 5 кун ўтгач, мускул орасига СЖК юбориш тавсия этилади. Бундан ташқари молларга ҳар кун ош тузи, таркибда фосфор, кальций, йод, кобальт, мис, рух, марганец сингари элементлар бўлган минерал тузлар ҳамда ҳар 10 кунда бир марта тривит ёки тетравит препаратидан 5 мл дан бериб туриш жуда фойдалидир.

5. Жинсий фаолияти сусайган сигирларга 15 мл тривит ва АСД II аралашма фракцияси (100 мл тривитга 10 мл АСД кўшиб аралаштирилади) 3 марта 48 соат оралиғида мушак орасига 2 мл 0,5 % прозериннинг сувдаги эритмаси билан жўнатилади. 8-9 кунларда 10 мл бентоплацентин ва 10 мл ББҚЗ аралашмаси тери остига бир марта юборилишининг юқори самара бериши тажрибаларда исботланган.

Сигирларнинг туғишдан кейинги ўткир ва сурункали бачадон касалликларини юқорида келтирилган даволаш усуллари ёрдамида ўз вақтида ва даволаш ишларини тўғри олиб бориш касал хайвонларнинг 10-15 кун ичида тўлиқ соғайиб кетиши, соғайганидан кейин бир ой ўтгач, уругланиши тажрибаларда исботланган.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, қисир қолишнинг олдини олиш юзасидан юқорида баён этилган тавсияларга ҳамда даволаш усулларига амал қилинса, сигирлардан фойдаланиш ва сунъий қочирish ишларининг самарадорлиги ошади, ҳар 100 бош сигирдан 95-100 бош бузоқ олишга эришилади ва сигирларнинг доимо соғлом бўлиши таъминланиб, қисир қолиши кескин камаяди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Михайлов Н. Н., Муртазин Б.Ф. Лечение послеродовых эндометритов у коров. // "Ветеринария", 1971. – №12.
2. Муртазин Б. Ф., Қўлдошев О. У., Бабаев Т. М. Сигирлар эндометрит касаллигини даволаш. Тўртинчи Республика конференцияси, 2008.
3. Муртазин Б. Ф. Аборты крупного рогатого скота. // "Ветеринария", 1997. – №1. – С.4-5.
4. Муртазин Б. Ф., Салоҳиддинова Х. С. Профилактика эмбриональной смертности крупного рогатого скота. // Актуальные проблемы болезней животных в современных условиях. Мат. межд. конф. – Душанбе, Тадж НИВИ, 2003. – С. 133-134.
5. Поляничев Н. И. Воспроизводство в промышленном животноводстве. – М., "Россельхозиздат", 1999. – С.210.
6. Поляничев Н. И., Подберезный В. В. Система ветеринарных мероприятий при воспроизводстве крупного рогатого скота // "Ветеринария", – М., 2004. – С. 37-40.
7. Лободин К. А., Нежданов А. Г., Бузлама В. С. Лигфол для коррекции воспроизводительной функции коров // "Ветеринария", – Москва, 2006. – С. 39-44.
8. Поляничев Н. И., Магомедов А. Г., Афанасьев А. И. Йодметрогель при эндометрите коров // "Ветеринария", – Москва, 2007. – С. 37-39.